



ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси туфли етказиб бериш бўйича энг яхши таклифни танлашда иштирок етишга таклиф қилади.

Харид қилиш предмети номи: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ходимлари учун туфли (кейинги ўринларда – товар) харид қилиш.

Умумий маълумотлар:

1. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш тартиби: электрон кўринишда.
2. Давлат харидларининг электрон тизимига танлаш иштирокчиларнинг таклиф бериш муддати 10 (ўн) иш куни этиб белгиланади. (танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон жойлаштирилганидан кейин)

3. Харид қилиш валютаси: сум.

4. Молиялаштириш манбаи: бюджет маблағлари ҳисобидан.

5. Энг яхши таклифни танлаш иштирок этиш учун: 3 фоиз (22 млн. 5 минг сўм) закат талаб этилади.

6. Тўлов тартиби ва етказиб бериш шартлари:

Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан 5 (беш) банк иш куни ичида шартнома умумий суммасининг 30 (ўттиз) фоиз миқдорда аванс тўлови амалга оширилади. Якуний тўлов Бажарувчи ва Буюртмачи бажарилган хизматларни қабул қилиш ва топшириш далолатномасини имзолаганидан кейин 10 (ўн) банк иш куни ичида амалга оширилади.

7. Энг яхши таклифни танлаш ва ушбу танлаш бўйича барча ёзишмалар давлат (ўзбек) ёки рус тилида тақдим етилиши мумкин.

8. Товарни етказиб бериш муддати: 30 (ўттиз) банк иш куни.

9. Етказиб берилган товарнинг фойдаланиш муддати 12 ой.

10. Товарни етказиб бериш солиқлар (ҚҚС, акциз ва бошқа солиқлар), бож ва йиғимлар ҳисобга олинган ҳолда бир бирлиги учун бошланғич баҳоси – 250 (икки юз эллик) минг сўмни ташкил этади.

11. Харид қилинадиган товар миқдори: 2 934 жуфт.

Жами харид миқдори	Шундан ўлчамлар бўйича							
	38	39	40	41	42	43	44	45
2 934	43	146	397	720	808	464	261	95
2 934	43	146	397	720	808	464	261	95

12. Товарни етказиб бериш ва танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Халқобад 3-тор кўчаси, 2-А уй.

13. Ҳар бир жуфт товар алоҳида қутига қадоқланган ҳамда қутида унинг ўлчамини

кўрсатадиган ёрлик ёпиштирилган бўлиши лозим.

14. Энг яхши таклифни танлаш билан боғлиқ қўшимча маълумотларни Харид КОМИССИЯСИ ишчи гуруҳининг (71) 207 11-78 (82) телефон рақамларига мурожаат қилишингиз ёки mib_res@exat.uz электрон почта манзилига сўров жўнатишингиз мумкин.

15. Харид қилинадиган товарни ишлаб чиқариш (тайёрлаш) бўйича батафсил маълумотлар “Техник топшириқ” қисмида берилган.

16. Давлат буюртмачисининг вакиллари билан боғланиш учун:

Бюронинг ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари - Ё.Р.Юльбарсов (71 207-11-78), ишлар бошқармаси бош инспектори - Ж.Н.Авазовга (71 207-11-82) ёки Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Халқобад 3-тор кўчаси, 2-А уй манзилга мурожаат этиш мумкин.

17. Иштирокчиларга танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш муддати эълон жойлаштирилган кундан бошлаб бошланади ва эълон тугушидан 2 иш куни олдин тугатилади.

18. Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт биржанинг махсус ахборот портали etender.uzex.uz веб-сайтида кўрсатилади.

19. Мазкур энг яхши таклифни танлаш ҳужжатида кўзда тутилмаган тартиб қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни асосида тартибга солинади.

20. Танлаш ғолиби томонидан тайёрланган товар “Техник топшириқ”да кўрсатилган ўлчамлар ва талабларга мувофиқлиги юзасидан ваколатли органлардан экспертизадан ўтказилиб, текширув синови баённомаси “Харид комиссияси”га тақдим этилганидан сўнг Буюртмачи ва танлаш ғолиби ўртасидаги шартнома тузилади.

Танлаш иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

1. Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
2. Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
3. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
5. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

Таклифни расмийлаштиришга доир талаблар:

- Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади;
- Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби

Таклифларни баҳолаш мезони балл бериш усули орқали амалга оширилади.

Техник қисмининг миқдорий кўрсаткичи: 75 балл.

Техник қисм қўйида келтирилган талаблар асосида тақдим этилган ҳужжатлар кўрсаткичларига асосан баҳоланади:

- Танлаш иштирокчисининг гувоҳномаси ва 1-иловага мувофиқ умумий маълумотлар **(1-талаб)**;
- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган кредитор қарздорлиги тўғрисида маълумотнома **(2-талаб)**;
- Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза **(3-талаб)**;
- Тавсифномалар (бошқа буюртмачилардан) ва сифат кўрсаткичлари (фаолият давомида ишлаб чиқарган ўхшаш товарлари бўйича), эксплуатация қилиш (фойдаланиш) муддати, товарни етказиб бериш муддатлари ва кафолатлари **(4-талаб)**;
- Корхонанинг охириги 2 (икки) йил ичида шунга ўхшаш (муқобил) товарларни етказиб бериш тажрибаси ҳақидаги 2-иловага мувофиқ маълумотнома **(5-талаб)**;
- Танлаш иштирокчиларининг сўнги 2 (икки) йилдаги молиявий ҳолати тўғрисида 3-иловага мувофиқ маълумотнома **(6-талаб)**;
- Танлаш иштирокчилари томонидан таклиф бериш муддати мобайнида Бюронинг Харид комиссиясига “Техник топшириқ” асосида тайёрланган бир жуфт товардан расман ҳат орқали намуна тақдим этилиши лозим **(7-талаб)**;

Танлаш юзасидан тақдим қилинган таклифларни баҳолаш тартиби:

1, 2 ва 3-талабларга юқори балл - 5 баллдан;

4, 5 ва 6-талабларга юқори балл - 10 баллдан;

7-талабга асосан тақдим этилган товарни умумий кўриниши (техник топшириққа мослиги, ҳолати, сифати ва бошқа жиҳатлари)га юқори балл - 30 балл этиб белгиланади.

Техник қисмидан минимал ўтиш бали: 60 балл.

Нарх усулининг миқдорий кўрсаткичи: 25 балл.

Комиссия аъзолари:



Д.Б.Бобохонов



С.Ш.Юнусов



Б.Б.Жумаев



А.С.Ишонкулов



Д.И.Исраилов



А.И.Бўстонов



Н.Э.Бурханов



Ж.Н.Авазов

Комиссия котиби

Танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

1	Юридик шахснинг тўлиқ номи ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда	
2	Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатга олинган сана ва рақами, рўйхатга ўтказувчи органининг номи)	
3	Юридик шахснинг манзили Алоқа телефони, электрон почта манзили	
4	Амалга оширилаётган фаолият тур(лар)	
5	Раҳбар (Ф.И.Ш, алоқа телефон рақами)	
6	Раҳбар ўринбосари (Ф.И.Ш, алоқа телефон рақами)	
7	Бош ҳисобчи (Ф.И.Ш, алоқа телефон рақами)	
8	Солиқ тўловчининг идентификация рақами СТИР	
9	Тўлиқ банк ревизитлари	
11	Банкнинг идентификация коди	
12	ИФУТ коди (Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи)	
13	Таъсисчилар ҳақида маълумотлар (Ф.И.Ш, алоқа телефон рақами)	

(Ваколатли шахснинг Ф.И.Ш, лавозими ва имзоси)

Мухр ўрни

Сана: «__» _____ 2022 й.

**Муқобил товарларни етказиб бериш тажрибаси бўйича
МАЪЛУМОТ**

№ т/р	Етказиб берилган маҳсулот номи	Буюртмачи номи	Етказиб берилган маҳсулот сони (ўлчов бирлиги)	Буюртмачининг маъсул ходими (Ф.И.Ш, алоқа телефони)	Умумий етказиб берилган маҳсулот ҳажми (пул кўринишида)	
					2021 й.	2022 й.
1	2	3	4	5	6	7

Изоҳ: 3-устунда Буюртмачининг номи, СТИРи ва банк реквизитлари кўрсатилади.

Заруриятга кўра, Буюртмачига етказиб берилган товарларни тасдиқловчи хужжатлар (шартнома, қабул қилиш топшириш далолатномалари, юк-хатларининг нусхалари)ни талаб қилишга ҳақли.

(*) Мавжуд бўлса, Буюртмачиларнинг тавсифларини илова қилинг.

(Ваколатли шахснинг Ф.И.Ш, лавозими ва имзоси)

Мухр ўрни

Сана: «__» _____ 2022 й.

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ

(танлаш иштирокчининг номи)

1. МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТЛАРИ

валюта (минг. сумда)

Бўлим номлари	Сўнги икки йилдаги маълумотлар	
	2021 й.	1-ярим йиллик 2022 й.
Баланс ҳисоботидан маълумотлар		
Активлар		
I. Узоқ муддатли активлар		
Асосий воситалар		
Номоддий активлар		
Узоқ муддатли инвестициялар		
<i>шу жумладан.: капитал қўйилмалар</i>		
II. Жорий активлар		
Товар моддий заҳиралар		
<i>шу жумладан.: ишлаб чиқариш заҳиралари</i>		
Дебиторлар		
Пул маблағлари		
Пассивлар		
I. Ўз маблағлари манбаси		
<i>шу жумладан:</i>		
<i>устав фонди</i>		
<i>тақсимланмаган фойда</i>		
II. Мажбуриятлар		
Узоқ муддатли мажбуриятлар		
Жорий мажбуриятлар		
<i>шу жумладан:</i>		
жорий кредитор қарздорлик		
муддати ўтган кредитор қарздорлик		
Молиявий натижалар ҳисоботидан маълумотлар		
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум		
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда		
Ҳисобот даврининг соф фойдаси		

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

Мухр ўрни

Сана: «__» _____ 2022 й.